

САРЛАВҲАЛАРНИНГ МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ортиқов Жаҳонгир

ЖДПУ. Ўзбек тили ва адабиёти магистратура йўналиши магистранти

Аннотация: Ушбу мақолада сарлавҳанинг морфологик хусусиятлари, сарлавҳанинг мазмуни, сарлавҳа-ярим мақола эканлиги, умуман олганда барча тушунчаларни ўз ичига олган.

Калит сўзлар: сарлавҳа, мақола, газета журнал, ижод маҳсули, асар, ахборот матн, эстетик савқ, санъат

Жамиятимиз равнаки, ҳаётимиз истиқболи; авваламбор, атрофилаги одамлар билан муомала қила оладиган уларни тушуна биладиган оқни корадан ажрата оладиган баркамол авлодга боғлиқ. Маънан етук, воқеа-ҳодисаларни, инсон хатти-ҳаракатларини танқидий баҳолаш салоҳиятга эга бўлган ўқувчи-ёшларни камол топтиришда адабиёт дарслари муҳим аҳамиятга эга. Дарсларда ўқувчилар асар қаҳрамонлари қарашларини тушуниш, уларнинг хатти-ҳаракатларига танқидий ёндашган ҳолда билим беришга ўрганадилар. Натижада, ўқувчилар жамият тараққиётини тўғри ва ҳаққоний баҳолаш, воқеа-ҳодисаларга танқидий муносабатда бўлиш кўникмасини эгаллайдилар.

Ўқитувчи дарс давомида ўқувчиларни фикрлашга ўргатиши, қаҳрамон хатти-ҳаракати ҳамда рухий оламида деярли сезилмасдан ўтиб кетадиган нуқталарга улар эътиборини қаратиши, ана шу нуқталар асосида шахслик фазилатлари ҳақида мушоҳада юритиб, одамларни тўғри тушуниш, объектив баҳолаш кўникмаларини шакллантириши мақсадга мувофиқдир.

Шунинг учун жамиятда яхши яшаши, ҳаётини мазмунли қилиши унинг ўзига ва атрофдагиларга тўғри баҳо бера олишга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Матн яратишнинг бир қанча талаблари мавжуд бўлиб, улардан энг асосийси матнга мос сарлавҳа танлашдир. Газетхон учун ҳам, газета учун ҳам алоҳида аҳамият касб этувчи энг асосий омиллардан бири бу – сарлавҳадир. Дарҳақиқат, ўқувчини ўзига жалб этувчи энг бирламчи восита мақоланинг сарлавҳаси ҳисобланади. Чунки ҳар қандай ўқувчининг эътиборини биринчи навбатда сарлавҳа жалб этади. Шунинг учун ҳам, **“сарлавҳа – ярим мақола”** деган гап бор. Бинобарин, газетада энг кўзга ташланадиган жумла мақола сарлавҳаси ҳисобланар экан, сарлавҳа мақоланинг бошидан охиригача мос тушмоғи, унинг моҳият ва мақсадини очиб беришга хизмат қилмоғи лозим. Чунки сарлавҳа танлаш ҳам ўзига хос санъатдир. Аниқ ва равшан сарлавҳа матн моҳиятини ҳамда аҳамиятини яққол кўрсатиб, аудитория диққатини тортиши ва уларга эстетик таъсир ўткази олиши керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда, юртимизда нашр этилаётган давлат ва нодавлат нашрларда сарлавҳалардан фойдаланиш маҳорати, сарлавҳаларнинг тили ва услуби, уларнинг матн билан мутаносиблиги каби масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Сарлавҳа нима? Сарлавҳа ўқувчига маълум сўзлар орқали аниқ маълумот беради. Яъна шуни айтиш мумкинки, сарлавҳаларнинг бошқа вазифалари ҳам бор: у ўқувчини жаҳлини чиқариши ёки уйғотиши (қизиқиш уйғотиши), ё турли хил ҳазиллар билан уларни кўнгилни очиши мумкин.¹ Бугунги кун матбуотида сарлавҳалар мажмуининг ҳар бир унсури (сарлавҳа, рукн, сарлавҳа шарҳи)ни жойлаштириш тартиби, тасвирлаш усуллари турли хил бўлиб, таҳририятдан ижодийликни, топқирликни талаб қилади. Газетхон диққатини берилган материалга тортадиган унсур албатта сарлавҳадир.

Сарлавҳа асарнинг, асар қисмларининг, бобларининг номи ҳисобланади. Шундай экан, сарлавҳа ва матн ҳам бир-бирига мос, ихчам, тушунарли бўлиши керак. Сарлавҳалар ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳодиса сифатида ёзма нутқ тараққиёти жараёнини кузатиш учун ҳам қимматли манба бўлиб хизмат қилиб келганлиги аён. У ёки бу даврда кенг тарқалган

¹ Colin Macfarlane. Hit the Headlines Exciting journalism activities for improving writing and thinking skills. © 2012. P. 145.

сарлавҳалар ўз таркиби, тузилиши билан ўша давр тили маромларини аниқ акс эттиради ва тил тадрижида муҳим ўрин тутди. Дарҳақиқат, сарлавҳа танлаш ва уни қўллаш санъати тилимиз, адабиётимиз тарихи давомида турлича қўлланилиб келган. Ҳар бир ижод маҳсули борки, у ҳеч қачон номсиз, яъни сарлавҳасиз бўлмайди.

Шундай экан, асар ва мақоланинг мазмуни ҳамда моҳияти сарлавҳа билан чамбарчас боғлиқдир. Сарлавҳа танлаш муаллифдан сўз танлаш санъатини эгаллашни талаб этади. Шунинг учун ҳам сарлавҳа танлашда ҳар қандай сўзни қўллаш ножоиз. Чунки, биринчи жумла ҳамisha ўқувчи диққат марказида туради. У муҳим аҳамиятга эга. Сарлавҳа ўқувчи учун ахборот матнларини танлашга, уларни бир биридан фарқлашга имкон беради. Бу ҳол журналистлар зиммасига алоҳида масъулият юқлайди. Шу боис бўлажак қалам аҳли учун газета сарлавҳалари услубияти билан яқиндан танишиш ҳамда муайян малакага эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Сарлавҳа доимо бирор бир ҳодиса ёки ғоянинг моҳиятини очиб бериш воситаси ҳисобланади, демак, бу восита устида ишлаш журналист, ёзувчи, муҳаррирдан алоҳида масъулият талаб қилади. Газетанинг номи аниқ, оммабоп, содда, равон ҳамда кўп сонли аудиторияга тушунарли бўлишида ихчам, эътиборни торта олишидаги сарлавҳаларнинг алоҳида ўрни бор. Сарлавҳа қисқа, кўпинча атиги бир неча сўздан иборат бўлиб, матннинг номини акс эттиради. Мана шу матн номи акс этган сўз ёки ифодадан биз матн моҳиятини ҳам англаб оламиз. Чунки, сарлавҳа - ярим мақола.

Газета сарлавҳаларини, ўз навбатида, бир неча турларга бўлиш мумкин: рукнли, изоҳли, мақол ва иборали каби.

Сарлавҳалар мураккаб ижодий нутқий жараён натижаси сифатида ёзма нутқда хилма-хил вазифаларни бажариб келади. Улар бажарган вазифалар ўзаро боғлиқликда, биргаликда, алоқадорликда юзага келади. Ўрни билан муайян бир сарлавҳада у ёки бу вазифа кучли ёки кучсизроқ намоён бўлади. Уларнинг турли хил вазифаларни бажариши, тузилиши, таркиби жиҳатдан хилма-хил кўринишларда кела олиши мумкинлиги билан ҳам изоҳланади.

Исталган маълумотни матний мулоқот орқали қабул қилиш - мураккаб жараён бўлиб, уни ташкил этишда махсус адресатга йўналтирилган компонентлар муҳим роль ўйнайди. Яъни матнни мулоқот майдонига киритиш стратегиясини яратиш, уни интерпритация (талқин этиш) бўйича иш жараёнини яратиш. Ушбу компонентлар ҳар бир асарга хос бўлиб, реципиент билан алоқа ўрнатиш вазифасини бажарувчи фактор сифатида ишлатилади. Демак, биз назарда тутаятган компонент - аслини олганда маълум бир асарнинг сарлавҳа комплекси ёки алоҳида олинган сарлавҳадир. Бу унсур ўзгача жойлашган бўлади. Яъни мулоқот жараёнида матн билан боғлиқ бўла туриб, матндан ташқарида жойлашган ҳолатда ўз вазифасини бажаради.

Сарлавҳа комплекси (сарлавҳа ансамбли) – матн тизимининг ички системаси бўлиб, матндан ташқари бўлган унсурлардан ташкил топади. Сарлавҳа ансамбли ўз ичига сарлавҳа, рубрика, тагсарлавҳа, киришлар (лидлар), ихтибослар, анонсларни олади. Бу ташқи элементларни уларнинг ўзига хос хусусиятлари: матн билан маъно жиҳатидан узвий боғлиқлиги, тузулиши ва нутқ жиҳатидан матндан ташқари мустақил бўлиши бирлаштириб туради.

Газета сарлавҳаларини кузатиш, уларнинг тузилиши жиҳатдан сўз, сўз бирикмаси ва гап шаклларидаги маълум бир андозалардан иборатлигини кўрсатади. Шунга кўра газета сарлавҳалари сўз шаклидаги, бирикма шаклидаги ва гап шаклидаги сарлавҳаларга гуруҳланади. Сарлавҳаларнинг тузилишга кўра бу турлари одатдаги сўз, сўз бирикмалари ва гаплардан қўлланишда ўзига хос хусусиятларга эгаллиги билан ажралиб ҳам туради. Чунки сарлавҳа муайян бир матннинг номи сифатида одатдаги меъёрлардан фарқ қилади.

Сўз-сарлавҳалар. Сўз-сарлавҳалар грамматик жиҳатдан шаклланган ёки шакланмаганига кўра эркин сўз сарлавҳалар ва боғли сўз сарлавҳалар ажратилади. Эркин сўз сарлавҳалар маълум бир грамматик шаклга эга эмас. Сўз сарлавҳалар номинатив гапларни ёдга солади. Мисоллар: «Интизорлик» («ЎзАС», 9 ноябр), «Тўй» («ЎзАС», 23 ноябр), «Сарчашма» («ЎзАС», 1-сон), «Қочқинлик» («Es carade»), («LeMonde», 2006) в.б. Сўз сарлавҳалар фақат оддий

номлаш, аташгина бўлиб қолмай, асарнинг ўзига хос умумлашма тимсоли (образ символи) сифатида ҳам қатнашар экан.

Бунда сарлавҳа тилга олинаётган нарсга, ҳодисага хос белгиларни, хусусиятларни гуруҳлаб умумлаштиради, энг муҳим етакчи белгини, хусусиятни ажратиб олиб чиқади.

Бирикма сарлавҳалар: Ушбу тур сарлавҳалар орқали ўқувчини матн ҳақида кўпроқ хабардор қилишга ҳаракат қилинади. Бирикма сарлавҳаларни ҳам ҳоким бўлагининг грамматик шаклига қараб асосий қисми грамматик жиҳатдан шаклланган ва шаклланмаган турларга гуруҳлаш мумкин

Гап-сарлавҳалар: Ушбу тур сарлавҳалар тузилиши қандай бўлишидан қатъий назар маълум бир хабарни ўқувчига етказишга хизмат қилади. Мисоллар «Танлов якунланди» («ЎзАС», 7 декабр), «Кучли ва иқтидорлилар тақдирланди» («ЎзАС», 19 январ, 2007 й.), «Ҳаво айниди...» («ЎзАС», 9 феврал, 2007 й.) в.б.

Сарлавҳа матннинг асосий позицияси ҳисобланади. Бу муҳим унсурнинг вазифаси адресатнинг қабул қилиш жараёнига таъсир ўтказиш. Қабул қилиш нуқтаи назаридан сарлавҳага ёндашиш сарлавҳанинг тузилиш механизмларини ва унинг хусусиятларини тушунишга ёрдам беради. Реципиентнинг позициясини ҳисобга олиш жуда муҳим. Чунки ҳар бир реципиент алоҳида шахс бўлиб, материални ўрганиш жараёнида асосий фикрни сўзлар орқали қабул қилади.

Биринчи бўлиб матний мулоқотда ифодаланган ахборот тўғрисида маълумотни қаердан билиб олишимиз ҳақида тўхталиб ўтсак. Умуман, матний мулоқот, деганда асосан: ОАВ, телерадиомахсулотлар, турли вазифага йўналтирилган матнлар тўпламлари, интернет матнлари назарда тутилади. Турли хилдаги сарлавҳалар яъни алоҳида матн сарлавҳалари, ички сарлавҳалар, рубрикалар, тагсарлавҳалар, кириш, лидлар асосий фикрни қисқа шаклда беради. Булар маълумотни қабул қилишнинг психологик қонун-қоидаларида ўз аксини топади.

Руҳшуносларнинг изланишларига кўра реципиентнинг қабул қилиш жараёнида юзага келадиган ўзига хос механизм мавжуд. Бу механизм катта ҳажмдаги матнни уни қисқа шаклга киритган ҳолда қабул қилишга ёрдам беради. Бу механизм ёрдамида қисқа матнни ўзлаштириш жараёнида кенг маълумотга эга бўлиш мумкин. Бу ҳодиса интер ва интросенсор маъно кўчиши мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, нутқий фаолият ёрдамида олинаётган маълумотни олдиндан билишга ёрдам беради. Л.М.Мурзин матн компрессияси ҳақида таъкидлашича: “Қисқартирилган ва қисқартирилмаган матн бир хил маънони кашф этади.”²

Хулоса қилиб айтганда газета сарлавҳалари асосида яратилган сарлавҳа назарияси турли хилдаги ОАВлари, илмий асарлар учун ҳам ўз моҳиятни йўқотмайди ва турли хил мулоқот жараёнларида назарий асос бўла олади. Таъкидлаш жизки, бу назария интернетдан ўз ўрнини топаётган матнларга ҳам тегишли бўла олади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тошалиев И., Абдусатторов Р. Оммавий ахборот воситаларининг тили ва услуби. – Т.: Университет, 2006.
2. Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. Т., Университет, 1995.
3. Тошмухамедова Л. Сарлавҳа услубияти. Ўқув қўлланма. – Т.: 2012.
4. Тошев Ф. Журналистнинг нони қаттиқ. Самарқанд, 2005 3.
5. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. – Т.: 2000

² Мурзин Л. М. О деривационных аспектах текстообразования // Теоретические аспекты деривации. Пермь, 1982. С. 27.